

# Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2021 йил  
5 февраль,  
жума  
№ 5 (830)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Энг катта мақсадимиз – ёшларни иш билан таъминлаш, «Маҳаллабай» ўсиш нуқталарини белгилаб, камбағалликни қисқартиришдир

Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 4 февраль куни Фарғона вилоятига келди.

Ташрифта дастури жуда тизимли ва маънавий. Биринчи манзил — Олтиариқ туманидаги "Файзли боғлар сари" уюмчилик кооперацияси бўлди.

Олтиариқликлар деҳқончилиги, омилкорлиги билан танилган. Уларга ер берилса, ўзини ҳам, элини ҳам бой қилади. Лекин, бошқа маҳсулотларга нисбатан даромади камлиги-га қарамай, бу туманда ҳам пахта ва галла кўп экилар эди. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, бозорбоп экинлар экишга қаратилган сиёсати кўли гул деҳқонлар ва ёшларга катта имконият очди.

Президент келган кооперациянинг 6 гектарлик тоқзори ўрнида илгари пахтадан 20, галладан 25 центнер ҳосил олинар эди. Ўтган йили бу ерда боғ яратилиб, "хусайни", "келин бармоқ", "ризамат" навли узум кўчатлари экилган. Қатор ораларида помидор, бодринг, кўкатлар, қалампир ва бошқа сабзавотлар етштирилмоқда. Томчилаб сўғориш тизими жорий қилинган.

Энг муҳими, бу майдон 51 нафар ёшга, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирига ажратиб берилган. Улар пелёнка остига сабзавотлар экиб, йилга 1,5 тонна мартагача ҳосил олиши мумкинлигини айтишди.

— Ҳар бир ёш ҳақида ота-онаси қандай қайғурса, мен ҳам шундай қайғураман, — деди Шавкат Мирзиёев улар билан суҳбатда. — Ёшларни тезроқ иш билан таъминлаш учун катта имкониятларимиздан бири ҳозирча шу. Ҳаётда ўрнини топган инсонда ўзига ишонч, интилиш пайдо бўлади. Бугун ёшларга даромад манбаи яратиб, иш ўргатиб, тетапоқ қилсак, 2-3 йилдан кейин ҳеч кимга қарам бўлмайди — банда ҳисоб-рақами бўлади, уй олади, яхши яшайди, болаларини яхши тарбиялайди.

Президент ёшларга ўқиб-ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича маслаҳатлар берди.

— Ҳаёт — кураш, рақобат. Бу курашда ким кучли бўлади? Ақлли, билимли, меҳнат қилган. Бугун ёшлар давлатимизнинг эътиборини ҳис этиши, кўп ўқиб, кун сайин билимини ошириб, ривожланишда давом этиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Ерларни ажратиб бериш орқали Фарғона вилоятида 200 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

"Файзли боғлар сари" уюмчилик кооперациясининг умумий ер майдони қарийб 130 гектар. Шундан 40 гектар майдонда тоқзор, 90 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилган. 2 минг тонна сизимли музлаткичи омор, юк машиналари бор. Ўтиштирилган маҳсулотларнинг катта қисмини экспорт қилиш режалаштирилган.

Шу ерда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан жонли мулоқот қилди.

— Сизлар менга кўмакчи ва елкадошсиз. Мен сизларни ютуғимизни ҳам, камчилигимизни ҳам ҳалқимизга адолатли етказиб беришга кўч деб биланман. Сизлардан бир нарса илтимос қилмоқчиман: излашдан эринманглар. Адолатни ҳалққа етказишдан қўрқманглар. Нимага десангиз, ортингизда Президент турибди. У замонлар ўтиб кетди. Фақат адолат, адолат ва ҳақиқат. Қанча кўп ҳақиқатни етказа оلسак, шунча кўп манфаат бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Риштон туманида қурилган Халқаро кулолчилик марказини бориб кўрди.

Илгари риштонлик кулоллар ўз уйида, тор устахоналарда ишларди. Хорижий туристлар учун шароит йўқ эди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йили туманга 15 мингдан ортиқ хорижий сайёҳ келган. Агар қўшни Қирғизистон орқали Россия ва бошқа

мамлакатлардан келиб, Риштондан ўтайдиган туристларни ҳам қўшса, бу рақам яна бир неча мингга ортади. Бу туманнинг сайёҳлик салоҳияти юқориликдан далolat.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги фармонидан кейин хунармандчиликни ривожлантириш ва хунармандлар учун кенг имкониятлар яратила бошланди. Мазкур фармонга мувофиқ, ўтган йилларда Кўқон ва Марғилон шаҳарларида хунармандчилик марказлари қурилган эди. Риштондаги кулолчилик йўналишида бўлди.

Агар Марғилон атлас ва адраслари, Кўқон ёғоч ўймакорлиги ва нақошлик мактаблари билан машҳур бўлса, Риштон қадимий кулолчилик санъати билан адраси танилган. Бу ерда тайёрланган сопол идишлар ўзига хос дизайни, экологик тозалиги билан ажралиб туради. Риштон кулолчилик маҳсулотларининг яримдан кўпи ташқи бозорда харидордир.

Пандемия даврида аҳолининг уйда ўтириб, хунармандчилик билан шуғулланиши ва даромад топишига кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатда туманда Халқаро кулолчилик маркази барпо этилди. Бу ерда 20 та икки қаватли кулоллар хонадони, Риштон тарихи музейи, банк хизматлари маркази қурилган. Уларнинг биринчи қаватида устахона ва савдо дўкони жойлашган, иккинчи қаватда хунармандлар оиласи яшайди.

Хонадонларнинг ҳар бирида 6 ўринли меҳмонхона ҳам мавжуд. Чет эллик сайёҳлар бу ерда яшаб, кулолларнинг иши билан танишиши мумкин.

Марказ фойдаланишга топширилиши билан 250 га яқин иш ўрни яратилди. Кулолчилик маҳсулотлари Бирлашган Араб Амирликлари, Чехия, Туркия, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқ устаси Алишер Назиров устахонасида бўлди. Кўргазмага қўйил-

ган кулолчилик буюмларини кўздан кечирди.

— Бу идишларда меҳнат билан, юрак билан бирга тарих ҳам бор. Ҳамма йўналишларда миллий аъёнларимизни тикляпмиз. Сопол буюмлар ҳам миллий қадриятимиз. Уларни яна оммалаштириб, ҳар бир хонадонга киритиш керак. Уларни чет элликлар жуда қадрлайди. Чунки чироғли, сифатли, экологик тоза. Юртимиздаги ҳар бир уйда мана шундай идишлар бўлса, ҳам миллий ифтихор, ҳам маънавият бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент таниқли кулоллар Музаффар Саидов ва Шарофиддин Юсупов хонадонига ҳам кириб, улар билан самимий суҳбатлашди.

Кулолларга айланма маблағ ва имтиёзлар бериш, бошқа худудларимизда дўконлар очишига кўмаклашиш, мамлакатимизнинг хориждаги элчионаларига кўргазма-савдо расталари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Халқаро кулолчилик марказида "Хунарманд" уюшмасининг туман бўлими, ўқув маркази ҳам жойлашган.

Қурилиш жараёнида шу ердаги Хўжа Рушноий макбараси обод қилинган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу макбарани ҳам зиёрат қилди.

Шу ерда вилоятда "маҳаллабай" тизими асосида ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Президентга Бағдод тумани мисолида уч бўғинли "маҳаллабай" ишлов тизими тақдимот қилинди. Ушбу уч бўғинли тизимда ҳар бир маҳаллага тижорат банкларининг масъул ходимларидан иборат доимий вакил бириктирилади. Улар маҳалла раислари билан бирга хонадонлардаги аҳолини, ишсизлар сони, уларнинг қизиқишлари, худуднинг "ўсиш нуқталари", мавжуд тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш масалаларини ўрганиб боради.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абидийлаштириш мақсадида:

1. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси муассислигида **Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини** (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

(Давоми 2-бетда) ►

Бу дунёда шундай бир мулк борки, уни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш бевосита юрт келажаги ва тараққиётига дахлдир. Бу — интеллектуал мулк. Яъни инсон ақли-идроки, онгу тафаккури, ижодқорлиги ва қобилияти билан юзга келадиган бебаҳо хазинадир.

Қарор ва ижро

## Интеллектуал мулк объектлари

уларни муҳофаза қилиш тизими янада такомиллаштирилади



Ҳар қандай мамлакат тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Қайси мамлакатда интеллектуал мулк объектлари муҳофазаси оқилгина йўлга қўйилган бўлса, иккинчи қаватда хунармандлар оиласи яшайди.

тиб берилса, ҳеч шубҳасиз, ютуқ ва муваффақиятлар салмоғи ҳам юқори бўлади.

(Давоми 4-бетда) ►

Оқлов

## Ноҳақ жазо

охир-оқибат бекор қилинди, шахс оқланди

Ургут туман прокуратурасида терговчи лавозимига фаолият юритган Отабек Мажидов қўрилмаган адолатсизликка учраб, ноҳақликнинг аччиқ таъмини татиб кўрди.

Муҳими, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди кассацаия инстанциясининг яқинда бўлиб ўтган очиқ суғ мажлисида унга қўйилган айбловлар тасдиқланмади ва О.Мажидов оқланди.

Суднинг ҳукмида қайд этилишича, О.Мажидов туман прокуратураси терговчиси лавозимига ишлаш даврида, 2011 йил декабрь ойининг бошларида иш юритишида бўлган таълим ва фан ходимлари Ургут тумани бирлашган касабаси уюшмалари қўмитаси мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят



иши бўйича тергов ҳаракатларини амалга оширган.

(Давоми 3-бетда) ►

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқени янада мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди. Шу маънода, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар 2021 йилда ҳам давом эттирилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Муносабат

## Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш — давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири



Бу ҳақда фикр юритганда, хусусан, барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мулоқоат янги — "Темир дафтар" тизими жорий этилганини қайд этиш лозим. Қисқа муддатда ушбу тизим орқали 527 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртига алоҳида давлат грантлари асоси-

да қабул қилинди. 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилмоқда. Олий ўқув юртига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизларига грантлар сони 2 бараварга кўпайтирилди. 2 мингтага етказилади. Аёло баҳо-ларга ўқитган, ижтимоий ғимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Буюклик қирралари

## Алишер Навоий — ҳуқуқшунос

2021 йил 9 февраль куни буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллуд топганига роппароса 580 йил тўлади.



юритганига амин бўламиз.

Чунки инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини, ҳуқуқ ва адолатнинг маъно-моҳиятини Алишер Навоийдек теран ифода этган ижодкор жаҳон адабиёти тарихида камданкам топилди. Ҳазрат Навоийнинг тарих ва башарият олдидиги улғу хизматларидан бири шундаки, ул зот адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарган ҳамда одамзодни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга чорлаб ўтган.

Ушбу фикрларнинг тасдиғи учун Алишер Навоий асарларидан қўлланилган ҳуқуқ соҳасига тааллуқли 3 та тушунчанинг маъно-мазмунини мухтасар таҳлил

этиб кўрайлик.

**Биринчи тушунча** — фикҳ. "Фикҳ" сўзи "ҳуқуқ" деган маънони англатади.

**Иккинчи тушунча** — фақиҳ. Бу сўз "фикҳни биладиган диндор шахс", яъни "ҳуқуқшунос" деган маънони беради.

Ҳазрат Навоийнинг "Назм ул-жавоҳир" асаидида фикҳ (ҳуқуқ) ва фақиҳ (ҳуқуқшунос) қадр-қиммати улуғланган шундай мисралар бор:

Қолгон киши касби илмдин заҳмат аро,  
Фикҳ ўргансун сай ила ул меҳнат аро,  
Илм ичра шараф фикҳда бил нисбат аро -  
Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

(Давоми 2-бетда) ►

## ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, «МАҲАЛЛАБАЙ» ҶОШНИ ПУЎТАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ, КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШДІР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу ўрганишлар чоғида ишлаб чиқилган таклифлар иккинчи босқичда ҳар бир сектор қошида иқтисодий комплекс ҳодимларидан тузилган бошқарув офисларига берилди. Бошқарув офисларида ўша ҳудуддаги тижорат банклари раҳбарлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари, солиқ, молия, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш бўлиминининг масъул ходимлари аниқланган муаммо ва таклифлар асосида ҳар бир маҳаллани ривожлантириш бўйича "Йўл хариталари" ишлаб чиқади ва уларнинг ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўради.

Учинчи босқичда туманларда ҳокимларнинг биринчи ўринбосари бошчилигида мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилади. Улар ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"ни тасдиқлаб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий кенгашларга ҳисобот беради, маҳалла раислари билан бирга бошқарув офислари фаолиятини муҳокама қилиб боради.

Шавкат Мирзиёев ушбу уч босқичли тизимни бутун мамлакатимизга жорий этиш бўйича топшириқ берди. Ҳар бўйича тикувчилик цехи очиб, маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлаган учқўриқлик аёллар, нодавлат ўқув марказлари раҳбарлари билан мулоқот қилди. Улар фаолиятини кенгайтириш учун логистикага қўлай жағда замонавий комплекс қуриб бериш бўйича мутасаддиларга вазифа қўйди.

Фарғона вилоятида 400 дан зиёд қўшма ва хорижий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Истиқболли лойиҳаларнинг ўзлаштирилиши натижасида қишлоқларга саноат кириб, кўлаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Фарғона туманининг Лоғон қишлоғидаги "Vodiy-Shoes" масъулияли чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда тайёрланаётган эркалар, аёллар ва болалар пойабзаллари қисқа вақтда ички ва ташқи бозорда ўз хариддорларини топди. Маҳсулотлар пишкунчилик, бежирим кўриниши билан ажралиб туради. Шунингдек, корхонада ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари учун махсус пойабзаллар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона фаолияти билан ҳам танишди, тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Қайд этиш лозимки, Президентимизнинг Фарғона вилоятига аввалги ташрифлари чоғида ушбу корхона лойиҳаси тақдимот қилинган эди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, тайёрланадиган маҳсулотлар экспортбон ва сифатли бўлиши лозимлигини таъкидлаб, энг замонавий ускуна ва технологиялар олиб келиш, корхонада ишлайдиган ёшларни ўқитиш бўйича топшириқлар берганди.

Қўшма корхона ўтган йилги фойдаланишга топширилди. 4,1 гектар майдонга эга қўшма корхонада умумий қиймати 16 миллион доллардан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, Италия, Туркия ва Германиядан замонавий ускуна ва технологиялар олиб келинди.

Лоғон, Каптархона, Вазиё, Аввал каби қишлоқларда яшовчи ўнлаб ёшлар малакали мутахассислар ёрдамида касбга ўқитилди. Энг муҳими, бугун улар бу ердаги замонавий технологияларни бемалол бошқармоқда.

Корхона маҳсулотлари асосан маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Фақат пойабзал таг қисми учун махсус қўшимча

Германиядан олиб келинади.

Айни пайтда 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Уларнинг асосий қисмини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Корхонада биринчи босқичда йилга 1 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилгани учун таннархи ҳам арзон. Шу боис ички бозорда импорт ўрнини босиб, хорижники билан рақобатлашмоқда. Экспорт мўлжали — 12 миллион доллар.

Иккинчи босқичда корхона қувватини 2 миллион жуфтвагга етказиш режалаштирилган. Шу мақсадда яқин атрофдаги 18 та маҳалла хотин-қизлари касаначилик асосида ишга жалб қилинади. Натижада 5 мингдан ортқ аёлларнинг бандлиги таъминланади.

Президент шу ердаги тўқимачилик корхонасини ҳам кириб кўрди. "Баҳодир Лоғон" пахта-тўқимачилик кластерига қарашли мазкур ширкат йилга 10 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Япония, Туркия, Германия ва Швейцариядан ускуналар келтирилиб, ип-калава ва мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 480 кишининг бандлиги таъминланган, шундан 300 нафари ёшлар.

Бу биринчи босқич бўлиб, 2022 йилда иккинчи босқични амалга ошириш режалаштирилган. Унинг натижасида 1 минг 800 та янги иш ўрни яратиш, экспорт салоҳиятини 16 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари хомашёни қайта ишлашни янада кенгайтириб, тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, энг муҳими, бозор топшичи зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Фарғона вилоятида 2021-2022 йилларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 майда Фарғона вилоятида бўлганида тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимот қилинган эди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа Фарғона шаҳрида "Fergana stone paper" корхонаси бўлиб амалга ошди.

Хитойдан ноёб технология олиб келиниб, йилга 9 минг тонна қоғоз тайёрлаш қувватига эга бўлди. Президент ташрифи арафасида ушбу корхона синов режимини амалга оширишга қўйилди.

Тошдан асфалтиқларга эга. Биринчидан, целлюлоза қоғоз тайёрлаш учун жуда кўп сув сарфланади, захарли моддалар борлиги туфайли бу сув ярқоқсиз бўлиб қолади. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса сув ишлатилмайди.

Иккинчидан, мустаҳкамлик, чидамлилиги оддий қоғозга нисбатан юқори. Ўзидан сув ўтказмайди, доғ юкмайди. Шу боис тошдан олинган қоғоз матбаачиликда, қадоқ ва гулқоғоз ишлаб чиқаришда жуда қўлай. Ташқи бозорда харидоргир.

Корхонада 60 киши иш билан таъминланди. Давлатимиз раҳбари иш жараёнини, қоғоз сифатини кўрди.

— Қоғоз тайёрлаш қадимий ҳунармандчилик йўналишларимиздан бири. Ўз даврида Самарқанд қоғози дунёга машҳур бўлган. Бу корхона — тарихий аъёнларнинг саноат даражасида қайта тикланиши, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятга ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, Зиядилла ЖОНИБЕКОВ, Абдулазиз МУСАЕВ, ҲАА мухбирлари**

## АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

**2. Куйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:**

Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик гоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш;

**Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, муқаммал илмий нашрларини яратиш**, уларни республикада ва чет элларда нашр этиш;

Алишер Навоийнинг илмий-адабий меросини талқин қилиш ва олимлар фаолиятини қўллаш, улар яратган илмий ва бадиий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрганаёт-

ган, жумладан хорижий давлатлардаги илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;

ҳар йили Алишер Навоий туғилган сана — **9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум)** ва "Навоийхонлик кунлари"ни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Куйидагилар:

**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди** **Васийлик кенгашининг таркиби** 1-иловага мувофиқ;

**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини тузилмаси** 2-иловага мувофиқ маълумлансин.

Белгилансинки, Ижро этувчи дирекция Фонднинг ижро органи ҳисобланади ва унга ижрочи директор раҳбарлик қилади.

4. Васийлик кенгашига қу-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

йидаги ваколатлар берилсин: Фонднинг даромад ва харajatлари бўйича прогноз кўрсаткичларини ҳамда маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгиллаш; ижрочи директорнинг лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

Ижро этувчи дирекция томонидан Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатилиши таъминлаш; зарур ҳолларда, штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Фонднинг тузилмасига ўзгарттириш қилиниши;

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш

ушун манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларни ҳамда ҳомийларни жалб этиш.

5. Куйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгиланисин:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан ҳар йили 1 миллиард сўмгача ажратиладиган маблағлар;

ҳалқаро молия институтлари грантлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликтида тақиқланма-

ган бошқа манбалар.

6. Фанлар академияси ва Адлия вазирлиги икки ой муддатда Фонд уставининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашин.

7. Фонд Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, академик Яхё Фуломов кўчаси, 70-уйнинг бир қисмида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 4 февраль

◀ (Бошланиши 1-бетда)

**Мазмуни:** ушбу мисраларда шоир ҳар бир кишининг фикрчи — ҳуқуқни ўрганиши мақбул эканини ўқитмоқда. Чунки фикрчилар ичида шарафлики, фақиҳ — ҳуқуқшунос эса, жамиятнинг сарвари, демокки, энг етук вақилидир.

Ушбу рубоийнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун Алишер Навоийнинг "Назм ул-жавоҳир" асарига ҳақиқатда тўхталаш лозим. Маълумки, ушбу асар — насрий усулда ёзилган муқаддима ва Ҳазрати Али айтган 255 та (айрим тадқиқотчиларга кўра — 268 та) арабча ўғитнинг туркий тилдаги талқинларидан иборат.

Алишер Навоий ушбу ўғитлардан ҳар бирининг қанчалик асосли эканини Кўрбони қарим суралари ва ҳадиси шарифлардан келтирилган парчалар билан исботлаб берган. Шу билан бирга, уларнинг таъсирчанлигини ошириш учун тўрт мисраси ҳам қўйиладу — таронаий рубоий вазнида шеърга солган.

Шу ўринда "Назм ул-жавоҳир" асари ўзига хос тузилишга эга эканини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақда фикр юритганда, давтавлал, Ҳазрат Алининг араб тилидаги муайян фалсафий ўғити келтирилиб, сўнг эса, унга туркий тилда рубоий шаклидаги талқин берилганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Алишер Навоий ўғит ва ҳикматларнинг тўғридан-тўғри таржимасини бериш билан чекланиб қолмаган. Аксинча, айна ўша ҳикматнинг мазмун-моҳиятига алоҳида рубоий бағишлаб, бадиий жиҳатдан бойитилган ўз фикрларини тақдим этган. Масалан, юқоридики рубоий "Назм ул-жавоҳир" асарида 109-рақам билан келган ва у "Содат ул-уммат ил-фуқоҳу", яъни "Фикҳ уламолари — халқ сарваридирлар", деган ҳикматнинг туркий назмдаги талқини ҳисобланади.

Мана шу биргина рубоий мисолида ҳам Алишер Навоий яшаган даврда, қолаверса, янада олис тарихимизда аждодларимиз ҳуқуқ илми ва ҳуқуқшунослик касбини нечоғли улуғлаганига яққол гувоҳ бўлиб турибмиз. Демакки, ота-боболаримиз азалдан ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишган ва муносиб кадрлашган, ҳуқуқни ўргатиш ҳамда ўрганишни эса, астойдил рағбатлантиришган.

Ҳозирги кунда биз Мир Алишер Навоийни улуғ шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, илм-фан ва маданият, она тилимиз ва адабиётимиз ҳомийси, савоатпеша зот, авлиёлар авлиёси сифатида яхши биламиш ҳамда юксак қадраймиш. Ҳазрат ҳаёти ва фаолиятининг айни шу жиҳатларини атрофлича чуқур ўрганаётганимиз ҳам бежиз эмас.

Алишер Навоий серқирра ҳаётининг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳам бўлса, ул зотнинг фақиҳлиги, яъни фикр илми билимдонлиги эканидир. Тарихий манбаларга қараганда, Алишер Навоий Самарқандда машҳур фақиҳ Хожа Фазулроқ Абдулайи ҳузурда фикр илминдан сабоқ олган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи "Мажolis ул-нафоис" асарида шундай ёзади: "Фақиҳ икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, "фарзанд" дер эрдилар".

Мана бу байт Алишер Навоийнинг мазкур соҳага муносабатини, айтиш мумкинки, гоят талабчан ва холис ёндашувини ўзида акс эттирган.

*Фикрхо чун иллати макру ҳиял  
созад фақиҳ,  
Не фақиҳ аст он, ки харфи иллати  
фикҳ андар аст.*

**Мазмуни:** агар фақиҳ (яъни, ҳуқуқшунос) фикҳ (ҳуқуқшунослик фани)ни макру ҳиял қуроли қилиб олса, у фақиҳ эмас, балки фикҳ касалига мубтало бўлган кишидир.

Алишер Навоийнинг фикрича, ҳуқуқшунослар нафақат билимли ва ишчан, айни пайтда ҳақғўй ва ҳалол ҳам бў-

### Буюклик қирралари

## Алишер Навоий — ҳуқуқшунос



лишлари керак. Содда қилиб айтганда, Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ҳуқуқшуносларнинг таъмагирлик, порахўрлик ва коррупциядан холи бўлиши шарт эканига доир қатъий талабни давлат ва жамият ривожини учун муҳим, деб ҳисоблаган.

Алишер Навоий фикрчи бобидаги билим ва таърибасини нафақат асарларида, балки давлат арбоби сифатида амалий фаолиятида ҳам изчил қўллаган. Бунга бир мисол. Алишер Навоийнинг таржимаси ҳолига оид маълумотлардан маълумки, у зот 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилган.

Таниқли муаррих Мирхондин ёзишича, "Астробод гулшани адолат хислатли амрининг келиши билан Эрам гулистонининг гайратини келтирадиган бўлиб, Журжонли кишийдлари, уламоси, эътиборли кишилари, фозиллари ул мактовга муносив сифатли амрининг луғф марҳаматлари билан фахр ва қувонч топдилар. Яна раъяяти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедолик зулматидан наҳот топиб, тинчлик ва омонлик, фарағат ва осудаликка эришдилар".

Шу маънода, Алишер Навоийнинг фикрчиларини, адлу адолат, одиллик, халқпарварлик, бугунги давр тили билан айтганда, ҳуқуқшунослик, қонунчилик, одил судлов соҳаларидан чуқур хабардор бўлгани, бу борадаги ҳуқуқий билим ва таърибасидан ижод ҳамда амалиётда атрофлича фойдалангани айни чоғда бир қадар эътиборимиздан четда қолаётгандек, назаримизда.

Учинчи тушунча — адл, адолат. Алишер Навоий "адолат", "адл" тушунчалари ҳақида, демакки, "ҳуқуқий давлат", "адолатли жамият", "фукароннинг ҳуқуқ ва бурчлари" ҳусусида нималар деган?

Алишер Навоий асарларини мутлола қилиш асосида, фикрчи атамалар улуг шоир томонидан жуда кенг маъноларда, айни вақтда, ниҳоятда аниқ ва жуда нуктадонлик билан қўланганини кўриш мумкин.

Масалан, Алишер Навоий "адл" сўзини адолат, одиллик, ҳақлик, тўғрилик, ҳаққонийлик, инсоф тушунчаларини англаштиш учун ишлатса, ўз навбатида, "адолат" сўзини ҳаққоният, инсофлик, шафқатлилиқ, одиллик маъноларида қўллаган.

Эътибор қилинг: ушбу тушунчалар бугунги кунда адолат ва юксак инсонпарварлик негизига тубдан ислоҳ этилаётган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти билан том маънода уйғун ва ҳаммоҳанг эзгу тамойиллардир!

*Зинҳорки, зулм ристасини уз,  
Инсоф ила адл қасрини туз.*

иборалари шулар жумласидандир.

Алишер Навоий қўллаган "адолат" тушунчаси билан боғлиқ сўз бирикмалари ҳам эътибор ва эътирофга сазовор. Алишер Навоий наздида:

"адолат авжи" — адолат осмони, адолатнинг яшноқ чўққиси;

"адолат жаҳони" — одиллик дунёси, адолат даври;

"адолат олами" — инсоф, раҳмдиллик дунёси;

"адолат партави" — адолат нури, шўъласи, ёлқини;

"адолат чамани" — адолатнинг барқ урган пайти;

"адолат ҳавоси" — инсоф йўл-йўриги;

"адолат сипехри" — адолат осмони, яъни юксак одиллик, деган теран маъноларини англатади.

"Адл" ва "адолат" сўзлари билан уйкаш яна бир калом борки, бу — "одил", "одиллик". Алишер Навоий бу сўзни ҳам адолатлик, инсофлик, шунингдек, тўғри ҳал қилувчи, деган маъноларда қўллади. Масалан, "Тарихи мулки аҷам" асарида шундай байт мавжуд:

*Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,  
Чу қолмас на золим, на одил киши.*

Одатда, Алишер Навоий ўз асарларида ҳар бир сўзининг ранг-баранг синонимларидан унумли фойдаланган. Шу жумладан, айрим ўринларда "одил" сўзининг уйкаши сифатида "додгар" сўзини ишлатган. "Хайрат ул-аброр" достонидан қуйидаги парча бунга мисол:

*Арз қилиб барчани шох оллида,  
Додгари мулк паноҳ оллида.*

Кўриниб турганидек, "додгар" — адолатли, одил, арз тингловчи деган маъноларни ташимокда. Ўз навбатида, бу сўз билан ўзакдош бўлган "додгарлик" — адолатлилиқ, одиллик, адолатпешалиқ, шунингдек, шохлик маъноларини беради.

"Додхоқ" сўзи — зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи, даъвогар, бундан ташқари, арз тингловчи деган мазмунда ҳам келади. "Садди Исқандарий" достонидан байт:

*Қачон тахт анга бўлса оромгоҳ,  
Ки ўз додин истар эди додхоқ.*

Шу билан бирга, Алишер Навоий ижодида адл, адолат, одил сўзлари ишлатилмаган ҳолда, бу тушунчаларнинг моҳияти яққол очиб берилган мисралар ҳам кўп. Жумладан, Алишер Навоий шундай ҳикмат айтган:

*Бировгаким, бировдан етди офот,  
Ҳамонким қатигроқдур муқофот.*

**Мазмуни:** Бировга зарар етказган (адолатсизлик қилган) киши у кишидан (яъни, адолатсизлик жабр етказган одамдан) ҳам кўра қаттиқроқ зарар кўради.

Хулоса ўрнида яна бир бор Алишер Навоий ижодига мурожаат қиламиз:

*Нечукким, эрур адл шахрларга зеб,  
Эрур ҳам гадо, хокрахларга зеб.  
Шаҳеким, адолатдур онинг иши,  
Тенг эрмас анга шохлардин киши.*

Яъни Алишер Навоий айтмоқчиси, адолат нафақат шохлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зийнатидир. Адолатни шпор қилган шохга бошқа бирон-бир шох тенглашолмайди.

Хулоса сифатида айтганимиз бўлса, Алишер Навоий ҳазратлари ҳозирги тилда айтганда, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратган.

**Акмал САИДОВ, академик**

◀ **Бошланиши 1-бетда**

Ўтган йили Касаба уюшмалари Федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллион нафардан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилди. Шу асосда "Аёллар дафтари" шакллантирилмоқда.

Бу, ўз навбатида, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар амалий ечимини топишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган "Аёллар маслаҳат кенгашлари" ҳам яқиндан кўмак бермоқда. Зеро, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллион нафардан зиёд хотин-қизларга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Келгусида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш ҳамда уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида Президентимиз янги ташаббусни илгари сурди. Яъни ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизлардан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этиш таклиф қилинди.

Хотин-қизлар кенгашларининг жойлардаги фаолиятига ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбарлик қилади. Шунингдек, хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғармаларни янги ташкил этилаётган кенгашлар ихтиёрига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқ экани айтилди.

Шу билан бирга, Мурожаатномада аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан кўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши қайд этилди.

Энг муҳими, Олий Мажлис палаталари ва Ҳукумат хотин-қизларнинг жамият ҳамда давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиши зарурлиги белгиланди.

Шу асосда ижтимоий аҳволи ва турмуш шароитлари оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, уларга манзилли тарзда кўмаклашиш тизими жорий қилинади.

Бу ҳақда сўз борганда, 2021 йил 8 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Қарорга мувофиқ, хотин-қизлар

муаммоларини "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди.

Эндиликда ҳар бир сектор кесимида маҳаллабй тарзида "Аёллар дафтари"га:

- 30 ёшдан ошган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, яъни бандлиги таъминланмаган, иш-лаш истагида бўлган, даромад манбаига эга бўлмаган, шу жум-

ёжманд хотин-қизлар, яъни ўзи ва биргаликда яшовчи оила-аъзолари оғир ижтимоий вазиятда бўлган, сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган, ногиронлик гуруҳи белгиланмаган, етарли даромад манбаига эга бўлмаганлар;

- ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизлар, хусусан, ҳуқуқий маслаҳат олиш истагида бўлган, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-

тилади.

Бундан ташқари Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари тасдиқланган рўйхат асосида фуқаролар йиғинлари томонидан турар-жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабнома-лар секторлар раҳбарларига ҳамда туман, шаҳар, маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғига тақдим этилади.

Секторлар раҳбарлари ҳамда туман, шаҳар оилани кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг ҳулосаси асосида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга турар-жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизларга сайёр қабуллар орқали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартиби белгиланди. Унга кўра, прокуратура органлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатади.

Бу борада прокуратура, ички ишлар ва адлия органларига кўмаклашиш орқали хотин-қизларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида, Олий суд раҳбарияти ташаббусига асосан судлар томонидан ўтказилаётган очик мулоқот ҳамда сайёр қабуллар домида "Аёллар дафтари"га киритилган ва ҳуқуқий ёрдамга

## Муносибат Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш — давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири



ладан, меҳнат қилиш қобилиятини қисман йўқотган, бироқ ишлаш иштиёқи бўлган хотин-қизлар;

● боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар, боқувчиси бўлмаган, кўшимча моддий ёрдамга муҳтожлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар;

● меҳнатга қобилиятсиз, ўзгалар парварishiга муҳтожлар, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган, яъни меҳнат қилиш қобилиятини бутунлай йўқотган, ёлғиз яшайдиган, уй-жойини таъминлаш имконияти бўлмаган хотин-қизлар;

● нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила-аъзоларининг номида турар-жой бўлмаган хотин-қизлар, маъмурий бинолар, ертўллалар, истиқомат қилиш мақсадларига мўлжалланмаган бошқа биноларда ёлғиз ёки оила-аъзолари билан биргаликда яшаётган, шунингдек, доимий яшаш учун тура-жойи бўлмаган ҳолда, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтожлар;

● қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд бўлган ёлғиз аёллар;

● тиббий ҳимояга муҳтож эҳти-

ри бузилгани тўғрисида мурожаат қилганлар;

● психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар, айнан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар киритилади.

"Халқ банки"нинг туман, шаҳар филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олиш истагида бўлган хотин-қизларга тижорат банкларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган бизнес лойиҳаларини ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузиш ўргатилади. Уларга кредит олишга кўмаклашилади.

Кредит ажратилгандан сўнг хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-қувватлаш хизматлари кўрсатилади. Кредитлар "Аёллар дафтари"га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бундай кредитлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача миқдорда, олти ойгача имтёёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажра-

Инсон жиноят кўчасига билиб-билмай қадам босишда унинг кимлар билан яқин мулоқотда бўлаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бундан сўнра унинг қўлига қилмиши ҳам яққол тасдиқлайди.

**Қилмиш-қидирмиш**

## Ношуд ҳамтовоқлар



Рашид Алиев (исми-шарифлар ўзгартirilgan) тайинли ишнинг бошини тутмади. "Кўр кўрни қоронғуда топибди" деганларидек, Рашид билан Мурод деярли ҳар куни бекорчиликдан-нима қилишни билмай кўчада сандироклаб юришарди. Шундай кунларнинг бирида Рашид эски таниши Шералининг автомашинасида доим пул бўлишини Муродга айтди. Ўз навбатида, Мурод пулни ўғирлашни таклиф қилади.

Энгил даромад илнжини-даги Рашид бу таклифга дарров рози бўлади. Кунларнинг бирида Шералининг автомашинасини ош-хона олдида очик қолдириб кетганини кўрган Рашид бунин Муродга маълум қилади. Икки ҳамтовоқ автомашинада катта миқдорда пул бор деган ўйда уни олиб қочади. Пана жойда автомашинани тўхтатиб, юкхонадаги пулни бўлиб олишади.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача" деганлари-дек, жиноят тезда фож бўлди. Ношуд ҳамтовоқлар эса, судда қилмишига яраша жазо олишди.

**Аҳаджон ЎЛМАСОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Юқоричирчиқ тумани  
судининг раиси

**Жиноят ва жазо**

## Жиловланмаган ЖАҲЛ

икки кишининг умрига зомин бўлди

Боғотлик Ислонбек Абдулаевнинг машъум жиноий қилмиши адолат тарозусига тортилган чоғ айбни енгилаштирувчи ҳолатлар кўзга ташланмади. Оғирлаштирувчи жиҳатлар эса, анча-мунча тош босди.

...Ҳаммаси Ислон ўзи яшайдиган маҳалладаги озиқ-овқат дўкони эгаси Фахриддин Қуриёзовга 200 АҚШ долларни миқдоридеги пулни галдаги харидлар учун олдиндан тўлов тарикасида бергандан сўнг бошланди.

...2020 йил 2 апрелда кун пешинга оққан маҳал Ислон ушбу пул эвазига мол харид учун яна дўконга келди. Дўкон эгаси тўланган пул шу пайтгача қилинган харидлар учун харжлаб бўлинган, атиги 17 минг 500 сўмлик ҳақи қолганини билдирди. Аммо қарши тарафнинг ҳам ўз ҳисоб-китоби бор эди. Айтишича, хариднинг қиймати дўконга топширилган пулга қараганда анча оз. Дўкон соҳибни ҳам бўш келмади.

Ислоннинг далил-исботини тан олмади. Ўз навбатида, хариддорнинг таъбиғга ўтирмайдиган далилларни илгари сурди. Дўкондаги тортишув узоқ чўзилмади. Бир чоғ Ислон келган йўлига шитоб билан кетди. У дўкондан 30 қадамча наридаги гўшт

дўконига кириб, қассобдан бир-икки дақиқага пичоғини бериб туришини сўради. Қассоб танишлиги боис унинг гапини ерда қолдирмади. Ислон пичоқни чўнтағига жойлаганча озиқ-овқат дўкониغا йўналди. Кира солиб, дўкон эгасига ташланди.

Пичоқ ҳаш-паш дегунча Фахриддиннинг чап кўкрак соҳаси — қоқ юра-гига икки марта санчилди. Бу воқеа дўкон эгасининг турмуш ўртоғи Гулрух Қурбонваннинг кўз ўнгидега рўй берди. Дахшатдан аёлнинг ўтакаси ёрилаёзди. Бироқ у тезда ўзини қўлга олиб, олишаётганларни бири-биридан ажратишга уринди. Бўлмади. Бу пайтга келиб, пичоқ билан қилинган ҳама боис кўкрагидан оғир жароҳат олган Фахриддин жон ҳолатда Ислонбекнинг қўлига ёпишди. Охири кучини тўлаб, рақиби қўлидаги пичоқни тортиб олишга муваффақ бўлди.

(Давоми 4-бетда) ▶

## Оқлов

# Ноҳақ жазо

охир-оқибат бекор қилинди, шахс оқланди

## ◀ **Бошланиши 1-бетда**

Тергов давомида у касаба уюшмалари кўмитаси билан молиявий алоқадда бўлган "Обод маскан курувчи" масъулияти чекланган жамиятининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатмаслик эвазига ушбу корхона-ларни бошқарган Самарқанд шахридаги "Ёш туристчилар" меҳмонхонаси ижрочи директори Ф.Сайфуллаев (исм-шарифлар ўзгартirilди)дан тамағирлик йўли билан 300 АҚШ долларини пора тарикасида олганлиги ай-бланган.

Бундан ташқари О.Мажидов тақроран ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2011 йил декабрь ойининг бошларида иш юритувидаги Таълим, фан ва маданият ходимлари туман бирлаш-кан касаба уюшмалари кўмитаси мансабдор шахсларига нисбатан кўзгатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини амалга ошириш давомида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгашининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатмаслик эвазига вилоят кенгаши раиси Ж.Исоқжоновдан 300 АҚШ долларини воситачи Ф.Сайфуллаев орқали тамағирлик йўли билан пора тарикасида олганлиги ай-бланган.

Шу ўринда судланувчига тайинланган жазо миқдоридан ўқувчини хабардор этадиган бўлсак, О.Мажидов Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми (эски тахриридаги) "б" банди билан Жиноят кодексининг 45, 57-моддалари қўлланиб, уч йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Суд унга нисбатан саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди кассация инстанциясининг 2015 йил 10 декабрдаги ажрими билан суд хукмининг О.Мажидовга оид қисми ўзгартirilган. Судланувчининг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "а", "в" бандларида қайта малакалашиб, Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланилиб, уч йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда саккиз йил муддатга озод-ликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. 2012 йил 5 декабрь, 2013 йил 12 декабрь ва 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия актирига мувофиқ, асосий жазонинг ўталмаган қисми учдан бир қисмига қисқартirilган.

Собиқ терговчи ўзининг асосиз судлангани ҳақида вахларни келтириб, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибидеги шикоят билан мурожаат қилди. Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати унинг шикоятдаги вахларни ўрганиб чиқиб, вилоят суди кассация инстанциясининг 2015 йил 10 декабрдаги ажримини бекор қилди ва жиноят ишини янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборди.

Вилоят суди кассация судлов ҳайъати шикоятдаги вахларни жиноят иши ҳужжатлари билан таҳлил қилиб, суд хукмининг О.Мажидовга оид қисмининг бекор қилиш ва уни айбсиз деб топиб, оқлашни лозим топди.

Ушбу, собиқ терговчининг оқла-нишига сабаб бўлган ҳуқуқий асослар нималардан иборат? Энди газетхон эътиборини шунга қаратамиз.

Бу ўринда биринчи галда Жиноят кодексининг 9-моддасига тўхталиш ўринлидир. Чунки кодекснинг ушбу моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий ҳавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Шунингдек, амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят ўзи берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқла-ниш шартлиги, иш бўйича исботла-ниши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда ай-бланувчини ёки судланувчини ҳам фож қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгилаштирадиган, ҳам оғир-лаштирадиган ҳолатлар аниқла-ниши ва ҳисобга олиниши шартлиги белгиланган бўлган.



Шу каби процессуал қонун ме-зонлари ушбу кодекснинг 112-моддасида ҳам аниқ-тиниқ белги-лаб қўйилган. Мазкур моддага мувофиқ, гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўр-сатмалари ва айбланувчининг ўз айбига иқроқ бўлиши, бу иқроқ бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдаги-на, уни айблаш учун асос қилиб олиниши, гумон қилинувчи ва ай-бланувчининг берган кўрсатмаси билан аниқланган ҳолатлар, ай-бланувчи ўз айбига иқроқ бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдир-да ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа да-лиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим.

Бу ҳақида фикр юртганда, Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбулликка оид жиноят-процес-суал қонунини нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 1-бандида ҳам тегишли раҳбарий тушунти-ришлар берилганини таъкидлаш лозим.

Энди судланган О.Мажидов ма-саласига қайтадиган бўлсак, би-ринчи босқич суди юқорида кел-тирилган моддий ва процессуал қонунлар талаби ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари раҳбарий тушунтиришларирига риоя этмаган. О.Мажидовни айблаш учун фақат-гина гувоҳлар Ф.Сайфуллаев ва Ж.Исоқжоновнинг қўрсатмалари-ни асос қилиб олган. Аммо гувоҳ-ларнинг кўрсатмалари иш бўйи-ча тўпчанган ва судда аниқланган қайси мақбул далиллар билан тасдиқланиши асослаб берилма-ган.

Суд ҳукмида О.Мажидов Ф.Сай-фуллаев ва Ж.Исоқжоновга нисба-тан жиноят иши кўзгатмаслик эва-зига Ф.Сайфуллаев орқали 2011 йил декабрь ойининг бошларида 600 АҚШ долларини пора тари-каси олганлигида айбдор деб топил-ган.

Бироқ бу шахслардан пора та-лаб қилинганлиги ҳақида аудио ёки видео ёзувлар, шунингдек, бошқа молмоллар орқали олин-ган далиллар билан О.Мажидов-нинг айби исботланмаган.

Жиноят иши ҳужжатларида О.Мажидовнинг айбига иқроқлик ҳамда бошқа шахсларнинг унга пора берганлик ҳақидаги кўрсат-маларидан ташқари Бош проку-ратура, Олий суд, МХХ ва ИИБ то-монидан 2014 йил 23 июни куни тасдиқланган "Порахўрлик жи-ноятлари ҳақидаги ариза ва ҳа-барлари кўриб чиқиш, бу тоифа-даги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига риоя қилинишини таъ-минлаш бўйича" кўшма кўрсат-мада белгиланган шахсга нисба-тан айб эълон қилишга асос бўлган объектив далиллар маж-муини ташкил этувчи бирон-бир аниқ мезон мавжуд эмас.

Кассация судлов ҳайъати жи-ноят ишидаги фақатгина иқ-рорлик кўрсатмалари ҳамда шуб-ҳар ва гумонлардан иборат ҳолат-лар О.Мажидовни жиноятини со-дир этганлигида айблаш учун асос бўлолмайдиган, деган аниқ тўхтама-гача келди. Бундай ҳолатда суд хукми-нинг О.Мажидовга оид қисминини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмади.

Судлов ҳайъати ажрими билан О.Мажидов Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми (эски тах-риридаги) "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир этмаган деб топилиб, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бан-дида асосан оқланди.

Оқлов сўзи замирида қувонч акс этади, у инсонпарварлик, халқпарварликдан далолат бера-ди, мамлакатимизда одил судлов устуворлиги таъминлаётганини намойён этади. Ҳақсиз жазога тортилган Отабек Мажидов ва унинг яқинлари ан ҳана шу оқлов деган туйғунинг нақадар улугли-гини чуқур ҳис этишди.

**Баҳоидир АЛИҚУЛОВ,**  
Самарқанд вилояти  
суди судьяси  
**Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" муҳбири

